

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 247 (3985).

21
ДЕКАБРЬ
ШАНБА
1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Москвада СССР ва Болгария Халқ Республикаси ҳукуматлари вакиллари ўртасида 1969—1970 йилларда маданий ва илмий ҳамкорлик планини тузиш юзасидан музокаралар олиб борилади.

Ҳар иккала томон ўтган йиллар мобайнида совет-болгар маданий ва илмий алоқалари муваффақиятли суратда ривожланиб келишди. Ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантириш ва кенгайтиришга, СССР ва Болгария Халқ Республикасининг социалистик маданиятларини бир-бири билан

яқинлаштириш ва ўзаро бой-тинга ердан берганлигини мамнуният билан таъкидлашди.

Имзоланган план СССР да ва Болгария Халқ Республикасида В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигига ҳамда Болгарияда социалистик революциянинг 25 йиллигига бағишланган кенг кўламли оммавий-сиёсий тадбирларни амалга оширишни кўзда tutadi. Жумладан, ана шу йилда саналар нишонланадиган пайтда СССРда «Болгария маданияти кунлари» ва Болгария Халқ Республикасида «Совет маданияти кунлари»ни ўтказиш мўлжалланади.

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ БАХТАСИДА



ТОШКЕНТ абразив комбинатининг ўнлаб ишчилари шу кунларда келгуси йил ҳисобига ишлашяпти. Улар орасида пенсдама токарь ўртоқ Аҳмедова ҳам бор.



Чирчиксёл Ё. М. А. Ш. заводда ўн беш йилдан бери фрезерчи бўлиб ишлаб келаётган ўртоқ И. А. Тегелин ўз касбининг устаси ҳисобланади. У бир неча ойдан бери келаси йил ҳисобига маҳсулот бермоқда. Суратда: ўртоқ И. Тегелин шп устида.



МАЪРИФАТ ЖҲРАЕВА Тошкентдаги фармацевтика заводининг илгор ишчиларидан. Шу кунларда у нормани 140 процентга етказиб бажармоқда. Суратда: ўртоқ М. Жўраева. А. Тўраев фотолари.

ОҚЎРҒОН районидagi «Озода» колхозда ерларни шудгор қилиш икки сменада олиб боришмоқда. Тракторчилар ишчи сифати бажариш учун астойдил меҳнат қилишмоқдалар. Колхоз правленкеси ва партия ташкилоти тракторчиларга барча шароитларни яратиб берганлар. Тракторчи Рустам Фармонов ўз вазифасини муваффақиятли бажармоқда.

Шудгор олдидан ерларни ўғитлашга, карталарининг тўлиқ ҳайдалишига алоҳида эътибор берилаяпти. Бу соҳада яхши натижага эришяётган тракторчилар рағбатлантирилиб турилибди. Суратларда: 1. шудгорлаш пайти. 2. Колхоз бош агрономи Х. Олишев (чапда) тракторчи Р. Фармонов билан ишнинг сифати ҳақида суҳбатлашмоқда.



КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

Деҳқонлар ва механизаторлар иши аянда. Қиш фаслида ҳам иш тўхтамайди. Қучли заҳирли тракторлар ер бағрини агардиш. Қандайдан қанча тезорат тракторлар ўғит келишяпти. Бошқа бир машина эса гўнни ерга сочмоқда.

Яқингинада бу ердаги «оқ олтин» дурдоналари машиналар билан йиғиштириб олинган эди. Эндиликда эса гўзапоядан бўшаган майдонлар шудгордан чиқаришмоқда. «С—100» маркали трактор картанинг қўқ ўртасини даврада, тупроқнинг устун қисминини пастга ағдариб ташлаётган эди. Моҳир-механизатор Турғунвали Маллабоев шудгорнинг тезорат ўтказишга бутун куч ва гайратини қаратган. Эвено бошлиғи Абдусаттор Сулаймонов ҳам шу ерда. Ўқариқларга яқинлашқини билан у илгунча яна босади. Палаҳса-палаҳса

тупроқ бир зумда ер бағрини қора қилиб қўяди. Плугатор ўз вазифасини яхши билади. Шунинг учун ҳам картанинг боши, ўрталари бир чуқурликда шудгор бўляпти. Ўқариқ-чуқир бўлиб қолган ерлар текисланяпти.

Ха, ҳозир ер сифатли шудгордан чиқарилса, экин даврида ташвиш камроқ бўлади. Теп-текис ҳайдалган ерга мола босилиб, кейин бемалол уруғ ташланаверади.

Ўтган йили эвено аъзолари ерин 30 сантиметр чуқурликда ҳайдаган эдилар. Бу йил эса 32 сантиметрдан шудгор қилишди. Шунга яраша палулар устхонада, ҳайта реконструкция қилинди. Бу эса палуларнинг чуқурроқ ерга кириши ва тупроқнинг устки қисминини кўпроқ ағдариш имкониятини беради.

Шудгорлаш икки сменада олиб бориляпти. Ерга эн-

дилиқда самолётлар ёрдами билан ўғит солиниб, шудгор қилинапти. Маҳаллий ўғитлар ташиб чиқарилиб тупроқнинг кучига куч қўшилмоқда.

Абдусаттор бошлиқ эвено аъзолари ўтган йили шудгорлашни барвақт ўтказганликлари сабабли бу йил деҳқончиликда катта ютуқин қўлга киритдилар. Экин майдонларидан баракали хирмон кўтарилди. 28 ўринга 30 центнердан пахта топширилди. Қуағи шудгорнинг сифатли ўтказилганлиги сабабли ҳар гектар ердан олинган ҳосил 2,5 центнерданга кўпайди.

— Эришилган ютуқимиз, — дейди эвено бошлиғи, — кўп бўлди. Лекин бу билан биз қишлоқчи қолмаймиз. Партия-миз Марказий Комитетининг Октябрь Пленуми деҳқончилик ишларини янада юқори поғона-

га кўтариш, пахтачиликни кескин юксалтириш зарурлигини алоҳида кўрсатди. Бунга ҳалол меҳнат қилиш, улкан марраларни эгаллаш билан жавоб бериш ниятидамыз.

Биз қисқа вақт ичида шудгорлашни тасмаллаб, «Янқ-зо» бурларини тозалашга киришамиз. Маҳаллий ўғитларни кўпроқ жамғариб, экин бошига чиқариб қўямиз. Қўқламги ишларнинг йамунали ўттиш ҳозирги қишги ишларимизга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир қишги ганимат билиб, ундан самарали фойдаланишимиз. Келгуси йилда гектар бошига ҳосилдорлиқни 35 центнерданга етказмоқчимиз.

Биз совхознинг Тўйчи Бадиер, Собир Ўсаров ўртоқлар ишлабтатган карталарини ҳам кўздан кечирдик. Бу эвено бошлиқлари ўзлари тракторчи бўлиб, экин майдонларини си-

фатли шудгордан чиқараётганликларининг гувоҳи бўлдик. Карта четлари қийқ бўлиб қолмаган. Трактор бурлидаган жойларда паст текислик йўқ. Ҳаммаси нафтидек.

Совхоз маъмурияти механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани кенг амалга ошириб юборган. Ҳар бир тракторчи ҳайдалаган участка ва майдон ёзма равишда наряд билан топширилган. Тракторчи шудгорни тамом қилиш билан мутахассислар қабул қилиб олишди. Кейин наряд варақасига ўзларининг мулоҳазаларини баён этиб, ишнинг қандай бажарилганлигига баҳо беришди. Шундан кейингина ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Ўнг яхши ва сифатли ҳайдаган тракторчиларга қўшимча-ҳақ ёзиш ҳам йўлга қўйилган.

Бу эса ҳамма майдонларда шудгорлашнинг сифатли ўттишига сабаб бўлмоқда.

М. ГОЗИЕВ,
Оққўрғон, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхоз.

СОВЕТ КОМПОЗИТОРЛАРИ БАЙРОҒИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТАҚИБ ҚЎЙИЛДИ

МОСКВА, 20 декабрь. (ТАСС). Композиторларнинг бутуниттфок IV съезди бугун Союзлар уйининг колонна залда ўз ишнинг давом эттиришмоқда.

Президиумда ўртоқ Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, П. Н. Дементьев, К. Ф. Катусев, улар билан бирга машҳур совет музикачилари ўтирибди.

Съезднинг эрталабки мажлисида СССР композиторлар союзига Ленин ордени топишириш маросими бўлди. СССР композиторлар союзига Совет музика санъатининг ривожлантиришдаги хизматлари учун шу мукофот билан тадбирланган.

КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний делегатлар ва меҳмонларнинг гўлдурос даражасида остида олий мукофотни топишди.

ИЧКИ РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Катта хирмон кўтаришнинг муҳим омилларидан бири қишлоқ ҳўжалигини тўла-тўқис механик закиллашга эришишдир. Колхоз ва совхозлар техника воситалари билан қанча кўп таъминлангач, замонавий машиналар билан қайта курулантириб турилса, пуччаллик катта муваффақиятга эришилсини турган гап. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз бу масалага катта аҳамият беришмоқда.

Заводимизда асосан экскаваторлар капитал ремонт қилинади, насослар, комфорттабелли кўча вагон-уйлар ишлаб чиқаришмоқда. Кўриниб турибдики, асосий маҳсулотимиз қишлоқ ҳўжалиги ва қўриқ ер очувчи азаматлар учун мўлжалланган.

Коллективимиз бу маҳсулотларнинг сифатли бўлиши, топшириқларини ортиғи билан адо этилиши учун йил бошидан буён ишқидилдан курашмоқда. Самарал меҳнат ўз натижасини кўрсатяпти. Бутуниттфок мусобақаларида бир неча марта голийб чиқдик. Ойлик план узлуксиз энидаси билан адо этилмоқда. Ўн бир ойлик маҳсулотни реализация қилиш плани 102 минг сўмга ошириб бажарилиди. Маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш топшири-

ғи эса 101,7 процент адо этилди.

Материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишчи турга ташкил этиш ҳисобига пландан ташқари 386 минг сўм фойда олинганга муваффақ бўлдик.

Коллективимиз беш йилликнинг учинчи йилида белгилангандан ташқари иккита экскаваторни капитал ремонтдан чиқариш, пландан ташқари 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўз иммиасига олган эди. Мажбуриятимизни ҳозирроқ бажариб қўйдик. Бу билан қаиоатланмаймиз, албатта. Янада кўпроқ куч-гайрат сарфлаб бундан ҳам катта ютуқларга эришишга иштилакчимиз.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида қишлоқ ҳўжалигини янада механик закиллашга катта эътибор берилди. Пленум қарорлари биз, ремонтчиларга ҳам катта масъулият юклайди. Ундан тегишли хулосалар чиқариб, ишларимизни қайта ташкил этишимиз. Барча пехларда пленум қарори коллектив равишда ўрганиб чиқилди. Ишчи, инженер-техник ходимлар фаолиятимизни яхшилашга қаратилган тақлифлар билан чиқмоқдалар. Ички резервлардан унумли фойдаланиш, экскаваторлар-

нинг ремонт мuddатини қисқартириш мақсадида биринчи тадбирларни ишлаб чиқардик. Ремонт сифатини ошириш асосий широнимиз бўлиб қолди.

Ремонт қилиб берган экскаваторларимиз далада, қўриқ ерларини очилда муваффақиятли ишлатилмоқда. Батъан шундай бўладик, машинанинг бирор детал ишдан чиқиб қолди. Уни тузатиш эса осон бўлмайди ёки эҳтиёт қисмлар топши қийин бўлади. Бу эса ўз навбатида машинанинг бекор туришига олиб беради.

Бундай ҳолларни йўқотиш мақсадида эндиликда эҳтиёт қисмларини ҳам қўлаб ишлаб чиқараямиз. Яқинда бир группа конструкторларимиз ювсини ҳаракатга келтирувчи механизм деталларини анча соддалаштиришга муваффақ бўлишди. Бу юртмачилар бу ташаббусдан бениҳоя хурсанд.

Мақсадимиз — қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашларига партия-миз қарорларини амалга оширишда муносиб ердан беришдир. Бунинг учун барча куч ва имкониятимизни ишга сола-миз.

В. КАТИКОВ,
Тошкент экскаватор ремонт заводи партия ташкилотининг секретари.

СИЁСИЙ ТАШКИЛОТЧИЛАР СЕМИНАРИ

Ўзбекистон КП Тошкент об-ласт комитети район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари ҳузуридаги сиёсий ташкилотчилар кенгаши раисларининг икки кунлик семинарини ўтказди. Област партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Абдуразақов семинарда «КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг қарорлари ва област қишлоқ ҳўжалиги олдига турган вазифалар» тўғрисида доклад қилди.

Семинар қатнашчилари педагогика фанлари кандидати Д. Ю. Ҳасанбоевнинг «В. И. Ленин меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида», фалсафа фанлари кандидати Т. Мўминов-

нинг «Дин, ағъалар ва урф-одатлар», Тошкент Давлат университетига катта муаллимаси Л. Ҳасанбоевнинг «Ойланган мактаб билан алоқаси ва ўқитувчининг обрўси» деган темалардаги лекцияларини тинглашди.

Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари У. Йўлдошевнинг «Сиёсий ташкилотчи — коммунистик муносабатларни турмушга татбиқ этиш учун курашчи» деган темадаги доклады ҳам катта қизиқиш билан тингланди.

Семинарда аҳоли ажайидан жойларда сиёсий ишларни йўлга қўйиб, сиёсий ташкилотчилар кенгаши ишнинг планлаштириш ва олиб боришга доир тажрибалар ўртоқлашди.

ЖУРНАЛИСТЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигига қандай ахши тадбирларни кўриш керак? Матбуотнинг меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашдаги ролини ошириш учун нима қилиш керак? Республикаимиз пойтахти ва Тошкент области журналистларининг кеча бўлиб ўтган конференциясида ана шу масалалар юзасидан кенг фикр алмашилди.

Конференцияда Журналистлар Союзи Тошкент бўлими бюросининг раиси А. И. Исмоилов бу бўлими фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Шунингден, ревизия комиссиясининг раиси Н. М. Сиро-ваннинг ҳисоботи эшитилди.

Конференция журналистлар ташкилот правленкеси ва ревизия комиссиясининг янги составини сайлади. (ЎзТАГ).



ЯНГИЙЎЛДАГИ пойнафаз фабрикаси коллектив беш йиллик учинчи йили топширигини мuddатидан илгари адо этишга иштирокчи. Суратда: техника бўлимининг бошлиғи Э. Терехова, катер моделчи А. Бекиров ва бош инженер Э. Саманжолов ўртоқлар янги моделдаги туфилларни кўздан кечирмоқдалар. Қ. Розиков фотоси, (ЎзТАГ).

ҚЎШИМЧА СУТ ТОПШИРИЛМОҚДА

КЕЛЕС. («Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан). Калинин рай-онидagi Ленин номи колхоз чорваларидан ҳўжалик йилини муваффақиятли якунламоқдалар. В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат баҳтасида туриб ишлаётган коллектив давлатга сут топшириш йиллик планини мuddатидан олдин бажаргани ҳақида ғалаба рапорти берганига аяча бўлди.

Шундан бери бир кун ҳам сут топшириш тўхтатилгани йўқ.

Қундан-қунга серқаймоқ сут топшириш қизғин давом этмоқда. Шу сабабли қисқа вақт ичи-да пландан ташқари 50 тоннага, яъни сут сотилди.

Сут соғувчилар ўртасида социалистик мусобақанинг кенг қулоқ ёйиши, чорва молларига қаровнинг тобора яхшиланishi сабабли ҳар бир сизгидан соғиб олинган сут 2600 литрдан ошиб кетди.

Ўртоқ Назир Ҳакимов раҳбарлик қилаётган комплекс ме-

ханизациялашган чорвачилик бригадаси аъзолари қишга, пухта тайёргарлик кўришган эди. Улар пландаги нисбатан анча кўп миқдорда ем-хашак, озуқа жамгарганликлари сабабли энди-ликда чорва қишлоқи намунали бўлмоқда. Сут бўлоғи тўхтовсиз қўлайиб, янги йил ҳисобига маҳсулот топшириляпти.

— Шу сабабли, — дейди колхоз раиси Ғиёсмон ака Умаров, — ҳўжалигимиз чорвадан фойда олаётми.

ОБЛАСТ РАИОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 20 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобда)

Калинин	97.2
Юқори Чирчиқ	96.2
Ўрта Чирчиқ	90.4
Оржоникидзе	89.4
Янгийўл	73.7
Оққўрғон	66.2
Бекобод	41.6
Бўна	35.7
Область бўйича	66.3

